

Саводхонлик асослари ва ҳисоблаш тафаккури – бошланғич таълимда муҳим босқич

Мамлакатимиз тараққиёти ва келажаги кўп жиҳатдан таълим – тарбия соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорликка эришишга, уларнинг жаҳон таълими талаблари билан мослиги ва амалий фаолиятдаги ўрнини қай даражада топаётганлиги билан узвий боғлиқ. Таълим – тарбиядаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик эса мазкур соҳага ижобий янгилик киритиш билан белгиланади. Бундай янгиликни киритиш инновацион жараён бўлиб, илғор педагогик технологияни жорий қилиб, таълимда сифат ва самарадорликка эришишдан иборат бўлади.

Бу борада Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг ҳаётимизда ўз ўрнини ва амалий аҳамиятини топишда катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилиниши биланоқ таълимга, хусусан бошланғич таълим (БТ)га бўлган талаб ижобий томонга ўзгарди. Бунга сабаб БТ узлуксиз таълим тизимининг асосини ташкил этганлиги ва бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат, яъни аксиома эканлигидир. Буни қуйидаги мутахассис – олимларимиз фикридан ҳам билсак бўлади:

- Педагогика фанлари доктори, профессор Р.Мавлонова фикри: “Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган даврда болаларнинг ақлий ривожланиш тезлиги ҳам ошиб бориши кузатилмоқда. Натижада таълимнинг умумий даражаси ҳам ошаётганлиги, шубҳасиз. Бироқ, бизнинг назаримизда, **бошланғич таълимнинг асосий вазифаси жадаллаштириш, ўзлаштириш жараёнини тезлаштириш бўлиши керак эмас. У таълимни рационализациялаш, ақлий ривожланишига ёрдам берувчи самарали таълим методларини қўллаш натижаси бўлиши лозим**”. [Мавлонова Р. *Бошланғич таълим: мақсад, муаммо ва вазифа* // “Маърифат”. Т.: 2006 (28.01.06 й.) – Б. 3].
- Психология фанлари доктори, профессор К.Мамедов фикри: “Умуман таълимга, хусусан **бошланғич таълимга** эътибор юртимизда мустақиллик нафаси эса бошлаган даврдан бошлаб жиддий ижобий томонга ўзгарди. Бу табиий ҳол. Чунки, **бошланғич таълимда** болаларимизга илмий билим асосларидан етарли маълумотлар берилмаса, ундан кейинги ривожланиш даврида бунинг ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Кичик мактаб – БТ Камолот босқичи ёш ва педагогик психология фан соҳалари шахс ривожига энг маъсулиятли ва муҳим ривожланиш давларидан бирини ташкил этади” [Мамедов К., Бердиева Ф. *Бошланғич таълимдаги айрим муаммоларнинг ечимлари хусусида* // “Мактаб ва ҳаёт” ИМЖ. – Т.: 2006. - №5. – Б. 20 - 21].

Бошланғич таълим – ўқувчининг онгига саводхонлик асослари ва ҳисоблаш тафаккури элементларини сингдириш давридан иборат.

Демак, бошланғич таълимдаги саводхонлик узлуксиз таълим тизимининг кейинги бўғинларини интеллектуал салоҳиятли бўлишлигига

мустаҳкам асосдир. Яъни, Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, “Агар пойдевор (**бошланғич таълим – муаллифлар**)” мустаҳкам бўлса, иморат (**узлуксиз таълим тизимининг кейинги босқичлари - муаллифлар**) бақувват бўлади”. Яъни, бошланғич таълимда яхши таълим – тарбия берилса, қайси фан бўлишидан қатъий назар, юқори синфларда ўқувчининг ўзлаштириши осон бўлади.

БТнинг асосий мақсадларидан бири ҳам умумий ўрта таълим учун зарур бўлган саводхонлик ва ҳисоблаш ҳақидаги билим, кўникма ва малака асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Шу сабабли бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда қуйидаги таълим мазмунига қўйилган талабларга мунтазам равишда эътибор бериб бориш лозим бўлади:

- **Биринчи ва иккинчи синфларда** болалар мактаб ҳаётида фаолият кўрсатишга тайёрланадилар. Бунда асосий эътибор: ўқув фанларидан умумий тушунчалар берилади; ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, кузатиш ва меҳнат малакалари ҳосил қилинишига қаратилади, яъни асосий эътибор саводхонликни тўлиқ эгаллашга қаратилади;
- **Учинчи ва тўртинчи синфларда** болалар ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар мустаҳкамланади, дастлабки назарий тушунчалар ва тасаввурлар ҳосил қилинади. Бунда амалий ишлар кўлами кенгайтирилади ва болалар мустақил фаолият кўрсатишга ҳамда ўрта умум таълим тизимида муваффақиятли ўқиб кетишга тайёрланадилар.

Умуман олганда БТ режасининг мазмун ва мундарижаси жамият тараққиёти ҳамда давр талаби даражасида мос равишда янгиланиб бораверади. Жумладан, замонавий Давлат таълим стандартлари (ДТС) асосидаги янги ўқув режа ва дастурлардан: “Савод одоби”, “Нутқ одоби”, “Табиат алифбоси”, “Оила иқтисоди”, “Ҳаё, ибрат одоби”, “қироатхонлик, хаттотлик санъати”, “Китоб таълими”, “Нафосат тарбияси ва таълими”, “Фан мўъжизалари”, “Маҳорат ва зукколик” кабилар ўрин олмоқда.

БТ нинг тарихий асосларига эътибор берилганда ҳам юқоридаги мутахассис–олимларимиз фикри ва БТ бўйича ДТС ларда қўйилган талаблар ҳам ушбу таълим босқичининг мазмун–моҳиятини, яъни ўқувчиларда саводхонлик асослари ва ҳисоблаш тафаккурини шакллантириш асосий ва долзарб муаммо эканлигини таъкидлайди. Улар тўғрисида қуйида айрим фикрларни қайд этамиз:

- “Авесто” да тарбия ҳақида шундай дейилган: “Тарбия жамиятнинг асоси. Шунинг учун болалар яхши тарбия олмоғи, **яхши ўқишни, яхши ёзишни** (саводхонлик асослари - муаллифлар) билмоғи лозим. Болалар вояга ета борган сайин тўрт нарсани яхши ўргатинг. Энг аввало кўчат экиб боғ қилишни, уй рўзғор буюмларни ясашни, чорвани боқишни, ҳамда экин экишни яхши ўргатинг, мана шу тўрт нарсани бола яхши билса хор бўлмайди, фаровон ҳаёт кечиради деб таъкидланган.

Етти ёшга етганда болаларга муқаддас оқ кўйлак кийдириб, шу куни ўқитувчига берганлар. Улар энг аввало Эзгу фикрга, Эзгу сўзга, Эзгу ишга ишонаман деб қасам ичганлар ва ҳар куни беш

марта таҳорат олиб ўқитувчиси билан биргаликда қуёшга қараб мадҳия ўқиганлар. Бу одатлар эса Ислом динидаги беш вақт номозга асос бўлган.” [Пирниязов И., Холмуродов И. Марказий Осиё мутаффаққирларининг педагогик кўз қараишлари // “Мактаб ва ҳаёт” ИМЖ. - Т.: 2007. - №5-6. – Б.27]

- Абу Раёҳон Беруний ўқувчига билим бериш уни хат саводли қилиш ҳақида гапирар экан, қоғознинг пайдо бўлиши, ёзув ва унинг вужудга келиши, турли ёзув белгилари, ўқув қуроллари ҳақида алоҳида тўхталади. Олим таълим – тарбияга ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш, машғулотлар давомида ўқувчиларнинг зерикиб қолмаслиги учун таълим олишнинг турли йўллари, шакл ва методларини кўрсатиб беради.

Абу Райҳон Беруний ёзади: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқиб бериш зерикарли бўлади. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли – туман боғларда сайр қилгандек бўлади, бу боғдан ўтар – ўтмас – бошқа бир боғ бошланади. Киши уларни ҳаммасини кўргиси келади. Ҳар бир янги нарса кишига роҳат бағишлайди деб буюхда айтилмайди.” [Ўша манба. – Б.41].

- Абу Али ибн Синонинг таълим-тарбия тўғрисидаги таълимоти ҳам ибратлидир. У мактабда бола ҳар томонлама, яъни ақлий, жисмоний, эстетик ва ҳунар ўрганиш тарбиясини олиш керак деб ўқтирган ҳамда мактабда таълим – табиъани аммовий равишда (жамоа бўлиб ўқиш) олиб боришни уларни тўғри тарбиялашнинг асоси деб ҳисоблаган.

Бунда “... **биринчидан**, ҳар бир бола мактабда бошқалардан ажралиб туришга, ўзгаларга тақлид қилишга интилади, бунинг натижасида у яхши хулқни эгаллайди. **Иккинчидан**, болалар жамоасида ўзаро муомалада бўлиб, хулқ одоби билан бир–бирига таъсир кўрсатади. Боланинг бир ўзи бошқалардан ажралган ҳолда ижобий фазилатларга эга бўла олмайди. Боланинг мактабда қандай фанларни ўқиш зарурлигини ҳам Ибн Сино кўрсатиб берган. Энг аввало деб ёзади аллома, муаллим ўз шогирдларига яхши фазилатларни ўргатиш, кейин Она тили ва адабиётни мутолаа қилдириши лозим”, деб ҳисоблаган [Ўша манба-Б. 42]

- “Ёзув кишиликнинг буюк ихтироларидан бири ҳисобланади. У жамиятнинг ижтимоий-сиёсий-маданий ҳаётида катта ўрин тутади. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тупроғи эса ёзув маданиятининг энг эски учоқларидандир. Бу ерда яшаб ўтган қадим аждотларимиз мукаммал ёзувлар яратиш, кишилик цивилизацияси, маданий-маърифий юксалиши, ёзув маданияти тарихига муносиб улуш қўшган; Шарқ халқлари орасида доимо олдинги сафларда келган. Олимларнинг илмий хулосаларига қараганда, заминимизда яшаб ўтган халқларнинг ёзув маданияти тарихи **икки минг етти юз-икки минг саккиз юз** йилларни бўйлайди. Биз ҳозир ёзув маданиятининг **учинчи минг йиллигида** турибмиз.

Бу халқимиз, давлатчилигимиз ва маънавиятимиз тарихида улкан ҳодисадир.” [Маҳмуд Саъдий. Ёзув маданияти бешиги// “Тафаккур” ж.-Т.: 2008.-№1-Б.22].

Демак, диёримизда таълим-тарбия азал-азалдан ўз аҳамиятини йўқотмаган ва шу сабабли ҳам аجدодларимиз дунёга машҳур бўлиб, улар дунё тараққиёти цивилизациясига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўша олган. Айниқса, “Авесто” даври, “Илк ўйғониш даври”, “Сўнгги ўйғониш даври” ва ҳозирги кунда ҳам диёримиз олимларининг жаҳон илм-фанига қўшган ва қўшаётган ҳиссаларининг салмоғи буюқдир. Тарихий илмий-маърифий, маданий ва шу каби бой меросимиз бизнинг таълимий кадриятларимизнинг ҳам узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади. Бу борада халқимиз саводхонлик асосларининг тарихий илдишларини билишимиз ҳам ёшларимиз миллий ғурурларини юксалтиришда муҳимдир. Ушбу йўналишдаги айрим мутахассис-олимларимиз фикрлари бу соҳа учун аҳамиятлидир.

- Тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исҳоқовнинг таъкидлашича Ўрта Осиё халқлари томонидан бундан 2800 йиллар муқаддам алифболар яратила бошлаган. “Бу юксак маданий ҳодиса шундан далолат берадики, қадим аجدодларимиз инсон нутқининг табиатини яхши билган. Ёзувни яратиш йўли билан жамиятнинг маънавий заҳираларини матнда акс эттириш, сиёсий, маъмурий, иқтисодий муносабатларини тартибга солиш, бир сўз билан айтганда, давлатчилик бошқарувига кириб келиш, ахборотни макон ва замон орқали узатиш имконияти юзага келган”,-деб уқтириш билан бирга бу олимимиз “Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбек халқининг ёзув маданияти илк қадамлариданоқ товуш ва ҳарф белгисининг мувофиқлиги асосида шаклланган”, деган хулосавий фикрни баён этади.
- Абу Наср Фаробий ёшларни ўқитишнинг методлари таснифини ишлаб чиққан. Уларни назарий ва амалий методларга ажратган.

“Фаробий математика фани мисоллари асосида ўқитишнинг илмийлик, кўрсатмалилик, тушунарлилик ва изчиллик принципларини ишлаб чиққан. Билиш жараёнининг ва фандаги билиш шакллариининг моҳиятини ёритди. Олим билиш жараёнини ташкил этиш масалалари бўйича анча тавсияларни ишлаб чиққан. Билиш принципларини ишлаб чиққан. Билиш жараёнининг ва фандаги билим шакллариининг моҳиятини ёритди. Олим билиш жараёнини ташкил этиш масалалари бўйича анча тавсияларни ишлаб чиққан. Унинг фикрича ўқувчиларга турли билимлар бериш билан бирга ўзлари мустақил ҳолда билим олиш йўллариини кўрсатиш, уларни билимларнинг зарурлигига ишонтириш керак дейди. Фаробий боланинг феъл-атворида қараб тарбия жараёнида “қаттиқ” ва “юмшоқ” усуллардан фойдаланиш керак деб уқтиради.

Агар бола ўқиш ва ўрганишга мойил бўлса **юмшоқ усул**.

Тарбияланувчи ўзбошимча, итоатсиз ва ялқов бўлса, **қаттиқ усул** қўлланиш лозим деган”. [Ўша манба-Б.41].

- Энди яқин келажакдаги БТ тўғрисида бир муҳим маълумотни келтирайлик.

Академик Қори Ниёзийнинг мактабга кирадиган тарихий куни ҳақидаги фикри:

“Отам бир куни: “Мана, мактабга кириш вақти-соати келди. Худо хоҳласа, эртага сени мактабга олиб бораман”, - деди.

Буни эшитиб, мен жуда севиндим, албатта. Ниҳоят эртасига отам мени мактабга олиб борди. Мактабнинг биноси эса маҳалла масжидининг вақфи бўлиб, у шу масжидга қўшни ҳовлида эди.

Отамнинг қўлида дастурхон ундаги нонларнинг устига онам тикган дўппи билан белбоғ қўйилган эди. Йўлда мактабга кета туриб: “Мактабга кириб, домлани кўришинг билан кўлингни қовуштириб, салом қилгил, албатта”, - деди отам.

Мактабга борганимизда, ҳали ўқиш бошланмаган экан, болалар мактаб ҳовлисида қий-чув қилиб, ўйнаб юришган экан. Бизнинг келганимиздан кимдир хабар берди шекилли, домла уйдан чиқиб келди. Отам унга салом бериб, домла билан кўришганда, мен ҳам кўлимни қовуштириб:

- Ассалом алайкум, - дедим.

Домла менга қараб, табассум қилгандай бўлди ва қироат билан:

- В-а-а-лайкум ассалом- деди.

Домланинг бу илтифотидан мен севиниб кетдим. Бироқ бунинг кетидан қулоғимга бунлай бошқача диалог эшитилиб қолди.

- Бугундан бошлаб ўғилни сизга топширдим, домла. Беадабчилик қилса, айтганингизни қилмаса, танбеҳ беринг, **гўшти сизники, суяги маники,**- деди отам.

Бунга жавобан, домла кулимсираб:

- Албатта, ахир “хирс мулло мешавад аз зарби чўб”, яъни “калтақдан айиқ ҳам мулла бўлади” дейдилар, - деди.

Шундан кейин кўнглим анча хира бўлиб қолди. Отам домла билан хайрлашиб уйга кетди. Домла эса менга қараб: “Бор, болалар билан ўйнаб тур, бир пастдан кейин ўқиш бошланади”, - деб ўзи ичкарига кириб кетди” [Қори Ниёзий. *Калтақдан айиқ ҳам мулла бўлади* // “Маърифат гулшани” газетаси – Т. : 2007. – 5- саҳифа (33/98)].

“Эти сизники, суяги бизники” тамойил асосидаги таълим-тарбия яқин-яқингача ҳукум сурди. Аммо шуниси диққатга сазоварки, БТ нинг ҳамма босқичларида ҳам саводхонлик асослари ва ҳисоблаш тафаккурини шакллантириш ўша давр таълим-тарбиясини марказий муаммоси бўлган.

Шу тариқа мухтарам зиёлиларимиз ўз фарзандларини ўйлаб БТга мос ва хос дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашга ҳам киришдилар. Уларга Саидрасул Саидазизов, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Амирали Зоҳирӣ, Абдуқодир Шакурий, Шокиржон Раҳимий каби устозларимизнинг тайёрлаган асарларини қайд этишимиз мумкин. Шулар асарларини пухта ўрганган беназир инсон, устоз мураббий Оқилхон Шарафиддинов 1938 йилда “Алифбе” дарслигини тузиб, ундан фойдаланишга тавсия этди. Маскур дарслик лотин, крилл ёзувларида чоп этирилиб, миллий руҳда тузилганлиги,

кўп йиллик тажрибалар сингдирилган ҳолда **осондан қийинга, соддадан мураккабга** асосланган усулларни қамраб олинганлиги билан ҳам аҳамиятли бўлган.

1967-1968 йилларда бу дарслик қайта тайёрланди. [Абдуллаева Қ. *Устозлар устози эдилар* // “Маърифат” ғ.-Т.: 2008 (15. 03. 08 й)-Б. 10].

Ҳозирги кунда БТ мазмунига ҳам, сифатига ҳам алоҳида талаблар қўйилган ва улар асосида ДТС лар, ўқув режалари ҳамда ўқув дастурлари тайёрланган. Бунда бошланғич синфлар бир – бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, болаларнинг битта ўқитувчи қўлида таълим олиши мақсадга мувофиқдир. БТ масъуляти “Ўқитувчи - ўқувчи” бирлиги замирида белгиланади. Бунда бошланғич синф ўқитувчисидан ҳамма фанлар асосларини билишлиги ва ўқитиладиган фанлар методикасини чуқур эгаллаши лозимлиги талаб этилади.

Ушбу соҳада олиб борган илмий изланишларимиз натижалари ва юқорида қайд этилган БТ нинг тарихий илджизлари, саводхонлик асослари ва ҳисоблаш тафаккурларини шакллантиришни қуйидаги узлуксизлик асосида олиб бориш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда:

I. Саводхонлик асослари бўйича:

- Нуқта → белги (ҳарф элементлари) → ҳарф → бўғин (сўз бўғини) → сўз → гап.

II. Ҳисоблаш тафаккурини шакллантириш бўйича:

- Нуқта → тўғри чизиқ - айлана – кўпбурчак (учбурчак, тўртбурчак) → доира → кўпёқ (куб, тўғри бурчакли параллелепипед - кутича);
- Нуқта → белги (рақам элементлари) → рақам → сон → ифода (сонли ифода) → номаълум қатнашган ифода.

Бу узлуксизликлар БТ бўйича таълим беришда маълумотларнинг узвийлигини таъминлашга имконият яратади ва ўқувчилар онгида билимлар узвийлигининг зарурлиги ҳақидаги тасаввурлар шаклланади ҳамда бу жараён ўқувчиларни яратувчиликка ҳам чакиради. Айниқса, ушбу жараёндаги индукция методи таълим олувчиларнинг юқори синфдаги билимларни эгаллашида ҳам қўл келади. Шу сабабли ҳам бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда юқоридаги узлуксизликни уларнинг онгига сингдириб бориш бораборида мустаҳкам билимга эга бўлишни таъминлаш лозим ва эгаллаган билимларини БТ нинг бошқа маълумотларини ўрганишга жорий этишни талаб қилиш керак. Бу орқали уларда юқоридаги узлуксизликни амалиётда жорий этиш бўйича кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Демак, БТ мазмунини таълим олувчиларга сингдиришда маълумотларнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш улар ўзлаштиришини юксалтиришга сезиларли ижобий таъсир кўрсатади ва бу орқали оддийдан мураккабга қараб баён қилинаётган маълумотларни узлуксизлиги ва узвийлигини ўрганишга мустаҳкам асос яратилади.

А.Қодирий номли ЖДПИ
Педагогика факультети декани,
профессор **Холбўта Тўрақулов.**

Шу институт педагогика
кафедраси ўқитувчиси **Ўктам
Фармонов.**